

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
AXBOROTNOMASI

**ВЕСТНИК**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
"ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД И  
ПЕРСПЕКТИВЫ СОВРЕМЕННОЙ  
СУДЕБНОЙ МЕДИЦИНЫ И  
КРИМИНАЛИСТИКИ"

№3/2  
2023

TOSHKENT



---

## ТҮШ СУЯГИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ

Отамурадов А.К.

Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент шаҳар филиали

Хасанова М.А.

Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент, Ўзбекистон)

**Мавзунинг долзарблиги.** Суд тиббий текширув услубларида, яъни ҳар қандай тиббий криминалистик текширувларда шахси номаълум мурдаларнинг айнан ёшни аниқ айтиш имконияти бўлмайди (кун, ой, туғилган йил). Бу текширув услублари жинс, ирқий хусусиятлар, шарт -шароит ва турмуш тарзига ва индивидуал хусусиятларнинг катта тебраниши билан боғлиқ бўлади, шунинг учун тиббий криминалистик текширув вақтида тахминий сяяк ёшлари аниқланади. Изсиз йўқолган фуқаролар ва шахси аниқ бўлмаган мурдаларни, шунингдек бўлакланган мурдаларни шахсини аниқлаш (идентификациялаш) суд-тиббий эксперталар ва хукуқ-тарғибот идоралари ходимлари олдида турган энг қийин ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади [1:3:5].

Ушбу экспертизалар одатда мураккаб бўлиб, кўп меҳнат талаб киладиган экспертизалар қаторига киради. Бундай экспертизалар ҳамма вақт ҳам экспертиза олдига ҳал қилиш учун қўйилган вазифаларни тўла ечиш имкониятига эга бўлмайди. Фақат скелети қолган мурдалар бўйича сяяк қолдиқлари ёрдамида шахснинг жинс, ёш, ирқ, бўйи ва кўмилган вақтини аниқлаш учун ашёвий далилларни (бош сяяги пастки жағ билан, сон, елка, билак, тирсак, катта ва кичик болдир, тос сяяклари, умуртқа, курак, қобирға, тўш) мумкин қадар қўпроқ олиш керак, чунки улар қанчалик тўлиқ ийғилса қўйилган саволларга аниқроқ жавоб бериш мумкин. Экспертиза ва текширувларнинг самарадорлиги кўплаб омилларга боғлиқ. Хусусан, текширувларни ўтказишга ҳар томонлама, тўлақонли тайёргарлик қўриш, суд экспертизасининг тобора кенгайиб бораётган имкониятларидан кенг фойдаланиш шулар жумласидандир [2:4;6].

**Мақсади.** Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича түш сяягининг турли жиҳатларини таҳдил қилишдан иборат.

**Материал ва усуllibari.** Шахс айнанлигини аниқлаш ҳолатларида түш сяягининг анатомик ва анатомоморфологик хусусиятлари бўйича сяяк ёшини аниқлаш бўйича суд-тиббий экспертизаларни баҳолашда тўш сяякларда кузатиладиган анатомик ва анатомоморфологик ўзгаришларни таҳдил қилиш, сяяк ёшини баҳолаш мезонларини таҳдил қилиш, таққослаш, мантиқий ҳамда статистик таҳдил усуllibаридан фойдаланилган. Ушбу текширувда ҳар хил ёшдаги ва жинсдаги инсонлар ва ҳар хил миллатга (рус, қирғиз, монгол, ўзбек, туркман, грузин, осетин, армян, татар, тожик ва бошқалар) мансуб бўлган худуд вакиллари орасида олиб борилди. Бу текширувлар тиббий криминалистлар томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган 2015-2021 йиллар давомида тўш сяякларини ўрганиб, уларнинг шаклланиш жараёнида ҳар хил ўзгаришларга учрашини ҳисобга олган ҳолда тўш сяягининг ёшга нисбатан ривожланиш босқичларини аниқлаш мақсадида текширув таҳдили ўтказилди.

Мазкур бўлимда ўтказиладиган экспертиза ва текширувлар, жиноий ва фуқоролик ишларини олиб бориш жараёнида тезкор қидирав ва суд прокуратура ходимлари олдида тўғиладиган кўплаб масалаларни ҳал этишда шахс айнанлигини аниқлаш экспертизасининг ўтказилиши адолатни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижалари.** Ушбу текширувлар тиббий криминалистлар томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган 2015-2021 йиллар давомида 1111 та тўш сяякларини ўрганиб, уларнинг шаклланиш жараёнида ҳар хил ўзгаришларга учрашини ҳисобга

олган холда тўш суягининг ёшга нисбатан ривожланиш босқичларини аниқлаш мақсадида текширувдан ўтказилди. 2015-2021 йиллар давомида Республика суд-тибий экспертиза илмий-амалий маркази ва Тошкент шаҳар филиали тиббий криминалистика бўлими экспертлари томонидан ўрганилган эркак ва аёл мурдаларидан олинган тўш суяклари сони қуидаги жадвалларда кўрсатиб ўтилди.

1. Умумий тадқиқот давомида ўрганилган номаълум эркак ва аёл мурдаларидан олинган тўш суяклари сони 1-жадвалда кўрсатиб ўтилган:

**1-жадвал**

№	ЙИЛЛАР	Эркак	Аёл
1	2015	179	46
2	2016	216	59
3	2017	210	46
4	2018	118	25
5	2019	36	8
6	2020	55	11
7	2021	84	18
	ЖАМИ	898	213

2. Тадқиқот давомида ўрганилган номаълум эркак ва аёл мурдаларидан олинган тўш суяклари сонига нисбати ҳар йилдаги нисбати фоиз (%) ларда 2-жадвалда кўрсатиб ўтилган:

**2-жадвал**

№	ЙИЛЛАР	Эркак- %	Аёл -%
1	2015	79,6	20,4
2	2016	78,5	21,5
3	2017	82,0	18,0
4	2018	82,5	17,5
5	2019	81,8	18,2
6	2020	83,3	16,7
7	2021	82,3	17,7
	ЖАМИ	80,82	19,18

2015-2021 йиллар давомида Республика суд-тибий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент шаҳар филиали ва Марказ тиббий криминалистика бўлими экспертлари томонидан ўрганилган эркак ва аёл мурдаларидан олинган тўш суякларининг суякланиш жараёнини ўзига хос хусусиятларини, ўлчамлари ва шакли, бирлашиб юзаларини характеристи, қовурға уйикчалари ва тўш суягининг айrim белгилари аҳамиятга олинди ва тўш суягини ривожланишини бир неча босқичида йиллар давомида бир қанча ўзгаришларга учрашишини ва ўзига хослигини инобатга олиб, тўш суяги ёш босқичларга бўлиб, ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Хулоса қилиб шуну айтишимиз мумкинки, тўш суягининг суякланиш жараёнини ўзига хос хусусиятларига асосланиб, туш суягининг турли жиҳатларини таҳлили суд-тибий экспертиза жараёнида суд тиббий криминалистлар учун ёши ва жинснини баҳолашда муҳим аҳамиятга эгадир.

---

**Адабиётлар.**

1. Абрамов С.С. «Медико-криминалистическая идентификация» //Настольная книга судебно – медицинского эксперта. – М.: Норма-Инфра, 2000. – 465 с.
2. Звягин В.Н. Текущие проблемы медико-криминалистической идентификации личности // Проблемы экспертизы в медицине. – 2012. – Т. 12. – №. 3-4 (4748). – С. 39-43.
3. Каандеева А. М. и др. Рентгеноанатомические изменения грудины с учетом возрастной периодизации //Клинико-морфологические аспекты фундаментальных и прикладных медицинских исследований. – 2021. – С. 97–100.
4. Пиголкин Ю. И. «Определение возраста человека по костной ткани». //Судебно-медицинская экспертиза. – 2012. – Т. 55. № 1. – С. 49–52.
5. Титаренко Н., Власюк И. В. Признаки внешности человека, их значимость при определении возраста (по данным литературы) //Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. – 2014. – С. 95–97.
6. Ремизова А. С., Ульяновская С. А. К вопросу о методах идентификации личности //Современные проблемы науки и образования. – 2020. – №. 6. – С. 164–167.